

# Аллоҳ гўзалликни севади | Сийрат дарслари (345-дарс)



19:00 / 12.09.2025 1439

743. Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Қалбида зарра оғирлигида кибри бор одам жаннатга кирмайди»**, дедилар». «Эй Аллоҳнинг Расули, киши кийими гўзал бўлишини, пойабзали гўзал бўлишини ёқтиради-ку?» деди бир одам. **«Албатта, Аллоҳ гўзалдир ва гўзалликни севади. Кибр ҳақни инкор қилиш ва одамларни ҳақир санашдир»**, дедилар».

*Муслим ривоят қилган.*

744. Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Албатта, Аллоҳ сизлардан бирингиз бирор иш қилса, яхшилаб қилишини хуш кўради»**, дедилар».

*Абу Яъло ва Байҳақий «Шуъабул-иймон»да ривоят қилишган.*

745. Каъб ибн Ужра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг олдиларидан бир киши ўтди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг саҳобалари унинг ғайрати ва ҳаракатчанлигини кўриб: «Эй Аллоҳнинг Расули, агар мана шу Аллоҳнинг

йўлида бўлганидами?» дейишди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Агар ёш болалари учун ҳаракат қилгани чиққан бўлса, у Аллоҳнинг йўлидадир. Агар катта ёшдаги ота-онаси учун ҳаракат қилгани чиққан бўлса, у Аллоҳнинг йўлидадир. Агар ўзи учун ҳаракат қилгани чиққан бўлса, у Аллоҳнинг йўлидадир. Агар риё ва фахрланиш учун чиққан бўлса, у шайтоннинг йўлидадир»**, дедилар».

*Табароний ва Байҳақий ривоят қилишган.*

746. Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам хунук исмларни ўзгартирар эдилар».

*Термизий ривоят қилган.*

### **«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам» китобидан**

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 30 ноябрдаги 03-07/9078-рақамли хулосаси асосида чоп этилган.